



INSTITUTIONAL AND LEGAL MECHANISMS FOR COOPERATION BETWEEN THE CRIMINAL INVESTIGATION SERVICE AND CITIZENS' SELF- GOVERNMENT BODIES

Mehmonali Suvankulov

Head of the Department of Legal Sciences at the Institute for
Advanced Training of the Ministry of Internal Affairs of the Republic
of Uzbekistan, Candidate of Legal Sciences, Professor
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20718947>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026
Accepted: 08th June 2026
Online: 09th June 2026

KEYWORDS

*Criminal investigation
service, mahalla,
cooperation, public safety,
prevention, legal
framework.*

ABSTRACT

The article analyzes the legal and institutional foundations of cooperation between the criminal investigation service and citizens' self-government bodies. The importance of this cooperation in crime prevention and ensuring public safety is highlighted.

ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ ХИЗМАТИНИНГ ФУҚАРОЛАР ҰЗИНИ ҰЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ВА ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

Мехмонали Суванкулов

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Малака ошириш институти, Юридик фанлар
кафедраси бошлиғи, ю.ф.н., профессор.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20718947>

ARTICLE INFO

Received: 02nd June 2026
Accepted: 08th June 2026
Online: 09th June 2026

KEYWORDS

*Жиноят қидирув
хизмати, маҳалла,
ҳамкорлик, жамоат
хавфсизлиги,
профилактика, ҳуқуқий
асос.*

ABSTRACT

Мақолада жиноят қидирув хизмати ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий ва институционал асослари таҳлил қилинган. Жиноятларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлашда ушбу ҳамкорликнинг аҳамияти ёритилган.

Бугунги кунда жиноятчиликнинг янги шакллари, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик, коррупция, шахс ва мулкка қарши жиноятларнинг сақланиб қолиши ҳамда ахборот технологиялари таъсирининг кучайиши шароитида

жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу боис, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш, жиноятларни



барвақт олдини олиш ва профилактик механизмларни кучайтириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жиноятчиликка қарши курашиш, жиноятни содир этишни режалаштирган ёки содир этган шахсларни қидириб топиш, шунингдек жиноятларни фош этишда далил сифатида фойдаланиладиган ахборотни аниқлаш мақсадида замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирлари муҳим аҳамият касб этади.

Жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш, бартараф этиш ва фош қилиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топишда ички ишлар органларининг тезкор-қидирув хизмати фақат ички имкониятлар билан чекланмасдан, давлат органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, жумладан фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан узвий ҳамкорликда фаолият юритади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўмаклашиш ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган бўлиб, бу ҳамкорлик ошқора, ноошқора ва аноним шаклларда амалга оширилиши назарда тутилган.

Тезкор-қидирув назариясида “кўмаклашиш” тушунчаси муайян фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва уни амалга оширишга амалий ёрдам бериш орқали ҳамкорлик қилиш сифатида изоҳланади¹.

Таҳлиллар натижасига кўра, 2024 йилда тезкор-қидирув ходимларининг ташаббуси билан 27 953 та жиноят аниқланган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2023 йилга нисбатан 23,4 фоизга ошган².

Жиноят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”³, “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”⁴, “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”⁵, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”⁶, “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”⁷, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”⁸ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради. Бу ҳамкорлик шахс ва мулкка қарши жиноятлар, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши, коррупцияга қарши кураш ҳамда қидирувдаги шахсларни аниқлаш йўналишларини қамраб олади.

Жиноят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан

¹ <https://www.lex.uz/acts/2107763>.

² <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>;

³ <https://lex.uz/docs/3027843>

⁴ <https://www.lex.uz/acts/2107763>

⁵ <https://lex.uz/docs/4953314>

⁶ <https://www.lex.uz/acts/3088008>

⁷ <https://www.lex.uz/acts/86044>

⁸ <https://lex.uz/mact/2156899>



ҳамкорликда *шахсга қарши* жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларни фош этиш бўйича қуйидаги чораларни амалга оширади:

биринчидан, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик ишлар олиб борилади: жиноятга мойил шахслар устидан назорат, “муаммоли” оилаларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишлаш, шунингдек аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида ҳуқуқий ва маънавий-маърифий тарғибот ишлари ташкил этилади.

иккинчидан, шахсга қарши жиноятлар бўйича маълумот алмашиш тизими йўлга қўйилиб, тегишли ахборотларни тезкор етказиш амалиёти шакллантирилади.

учинчидан, содир этилган жиноятлар, уларнинг сабаб ва шароитлари, жабрланувчилар ҳамда жиноятчиларга оид маълумотлар таҳлил қилиниб, биргаликда мониторинг ва ҳисобот ишлари олиб борилади.

Ушбу ҳамкорлик йиғилишлар, тезкор тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари орқали амалга оширилади.

Илмий ва таҳлилий ўрганишларга кўра, 2025 йилда маҳаллаларда оилатурмуш муносабатлари доирасида жами 2 764 та шахсга қарши жиноят қайд этилган. Уларнинг асосий қисмини оилавий (маиший) зўравонлик, шунингдек баданга турли даражада шикаст етказиш ва

қасддан одам ўлдириш каби жиноятлар ташкил этган⁹.

Жиноят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда *мулкка қарши* жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш бўйича қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга оширади.

биринчидан, ўғирлик, фирибгарлик, талончилик, товламачилик ва босқинчилик каби мулкка қарши жиноятларни содир этишга мойил бўлган шахслар, хавфли ҳудудлар ҳамда қайд этилган жиноятлар ҳақидаги маълумотларни ўзаро тезкор алмашиш ва биргаликда таҳлил қилиш тизими йўлга қўйилади.

иккинчидан, маҳаллаларда “хавфсиз хонадон”, “хавфсиз маҳалла”, “эхтиёт бўлинг, фирибгар” каби профилактик тадбирлар ташкил этилиб, аҳоли, айниқса кексалар ва ёшлар ўртасида тушунтириш ҳамда тарғибот ишлари олиб борилади.

учинчидан, содир этилган жиноятларни фош этишда гувоҳларни аниқлаш, гумонланувчилар ҳақида маълумот йиғиш, шунингдек жиноят содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойларни назорат қилиш ишлари ҳамкорликда амалга оширилади.

тўртинчидан, маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш мақсадида видеокузатув тизимлари, ёритиш воситалари, ташвиш сигналлари ҳамда кўп қаватли уйлар

⁹ <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



кириш жойларида замонавий домофон тизимларини жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилади.

бешинчидан, аҳолини мулкка қарши таҳдидлар ва тезкор вазиятлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш учун ишонч телефонлари ва электрон алоқа каналлари, жумладан телеграм гуруҳлари орқали тезкор ахборот алмашинуви йўлга қўйилади.

Жинойт қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда мулкка қарши жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш бўйича тезкор-тактик, ахборот-таҳлилий, ташкилий-ҳуқуқий, маърифий-тарғибот ҳамда техник чора-тадбирлар орқали фаолият юритади.

Таҳлилларга кўра, 2025 йил давомида анъанавий усулда содир этилган ўғирлик жиноятлари сони 11 931 тани ташкил этган. Уларнинг асосий қисми хонадонлар, мобиль телефонлар, савдо шахобчалари, автотранспорт воситалари, уй ҳайвонлари, велосипедлар ва қўл сумкаси ҳамда шахсий буюмларни ноқонуний ўзлаштириш (киссавурлик) ҳолатларига тўғри келган¹⁰.

Шунингдек, анъанавий усулда содир этилган фирибгарлик жиноятларининг асосий қисми уй ва автомашина олиб бериш (1 668 та), қарз ва кредит муносабатлари (775 та), ўқишга ва ишга киритиб қўйиш (671 та), тилла буюмлар, нақд пул маблағларини ноқонуний

ўзлаштириш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолатлар (536 та), чорва молларини олиш (400 та), шунингдек чет элга юбориш ва ишга жойлаштириш ваъдалари орқали содир этилган алдов ҳолатлари (318 та) ҳисобига тўғри келган¹¹.

Жинойт қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда *уюшган жиноий гуруҳлар, одам савдоси ҳамда ахлоққа қарши* жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

биринчидан, мазкур тоифадаги жиноятларга жалб этилиш ёки улардан жабрланиш эҳтимоли мавжуд бўлган шахсларни аниқлаш, уларга нисбатан мақсадли ахборот-таҳлилий ва профилактик ишлар олиб бориш тизими йўлга қўйилади.

иккинчидан, уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига мойил шахслар, уларнинг алоқалари, шубҳали ҳаракатлари, шунингдек ноқонуний миграция, ишга ёллаш ва одам савдоси билан боғлиқ ҳолатлар ҳақидаги маълумотларни ўзаро тезкор алмашиш амалиёти ташкил этилади.

учинчидан, жиноий фаолият юритиш эҳтимоли мавжуд бўлган жойлар — чойхона, кафе, тунги клуб, спорт заллари, СПА салонлар, бир кунлик ижара уйлар, меҳмонхоналар, меҳнат бозорлари ҳамда аҳоли гавжум ҳудудларда мақсадли профилактик тадбирлар ўтказилади.

¹⁰ <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>

¹¹ <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



тўртинчидан, уюшган жиноятчилик, одам савдоси ва ахлоққа қарши жиноятлардан жабрланган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатиш, шунингдек реабилитация қилиш чоралари ҳамкорликда амалга оширилади.

бешинчидан, аҳоли, айниқса жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган гуруҳлар ўртасида уюшган жиноятчилик ва одам савдоси хавфлари бўйича маърифий-тарғибот ва ҳуқуқий тушунтириш ишлари тизимли равишда олиб борилади.

Жиноят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан уюшган жиноий гуруҳлар ва жиноий уюшмалар фаолияти, одам савдоси ҳамда ахлоққа қарши жиноятларнинг олдини олиш, уларни фoш этиш ва жабрланганларни ҳимоя қилиш борасида ахборот-таҳлилий, ташкилий-ҳуқуқий, тезкор-қидирув, ижтимоий назорат, маърифий-тарбиявий ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш усулларида кенг фойдаланган ҳолда ҳамкорликни амалга оширади.

Таҳлилларга кўра, 2025 йил давомида қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш (1 859 та), одам савдоси (177 та), ноқонуний қурол сақлаш (501 та) ҳамда қиморхона сақлаш (203 та) билан боғлиқ жиноятлар аниқланган¹².

Жиноят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга хилоф муомаласига қарши курашиш ҳамда уларни фoш этиш бўйича қўйидаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширади:

биринчидан, аҳоли, айниқса ёшлар, ота-оналар ва педагоглар ўртасида гиёҳвандликка қарамликнинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари, шунингдек наркологик касалликка чалинган шахслар ва уларнинг оила аъзолари билан профилактик тадбирлар олиб борилади.

иккинчидан, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланмасига алоқадор шахслар, тарқатиш каналлари, жойлар ва ҳолатлар бўйича ахборот алмашинуви йўлга қўйилиб, ҳамкорликда мақсадли рейд ва текширувлар ўтказилади.

учинчидан, хавф гуруҳига кирувчи шахслар, жумладан аввал бундай жиноятларни содир этганлар ҳақида маълумотлар йиғилиб, таҳлил қилинади ҳамда уларга нисбатан профилактик ва наркологик ёрдам кўрсатиш чоралари белгиланади.

тўртинчидан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшлар бандлигини ошириш ва гиёҳвандликка қарши жамоатчилик ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли тадбирлар ташкил этилади.

¹² <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



Ҳамкорлик тезкор-профилактик тадбирлар, тушунтириш ишлари, яқка тартибдаги профилактика ҳамда ижтимоий, тиббий, руҳий ва ҳуқуқий ёрдам механизмлари орқали амалга оширилади.

Таҳлилларга кўра, 2025 йилда тезкор-қидирув хизмати ташаббуси билан гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 12 278 та жиноят аниқланган. Шунингдек, тезкор-профилактик тадбирлар давомида 2 тонна 730 кг 228 г гиёҳванд моддалар мусодара қилинган ҳамда 15 084 м² майдонда ноқонуний етиштирилган гиёҳванд ўсимликлари йўқ қилинган¹³.

Жиноят қидирув хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда *коррупция ва иқтисодиёт соҳасидаги* жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фoш этиш бўйича қуйидаги асосий чора-тадбирларни амалга оширади.

биринчидан, маҳалла аҳолисининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда давлат органлари фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган профилактик ишлар олиб бoрилади.

иккинчидан, давлат органлари ва тадбиркорлик субъектларида коррупцияга оид шубҳали ҳолатлар

ҳақидаги маълумотларни ўзаро алмашиш тизими йўлга қўйилади.

учинчидан, коррупция ва ноқонуний фаолият ҳолатларини аниқлаш мақсадида ҳудудларда мақсадли назорат ва текширув тадбирлари биргаликда амалга оширилади.

тўртинчидан, ташкилот раҳбарлари ва ходимлари ўртасида коррупциянинг олдини олишга қаратилган тушунтириш, огоҳлантириш ва тарғибот ишлари тизимли ташкил этилади.

бешинчидан, аҳоли ўртасида коррупция омиллари ҳақида хабардорликни ошириш, ҳуқуқбузарликларга муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ваколатли органларга ахборот етказиш маданиятини кучайтириш бўйича чоралар кўрилади.

Таҳлилларга кўра, 2025 йилда коррупция соҳасида 5 716 та жиноят қайд этилган бўлиб, 6 898 нафар шахс жавобгарликка тортилган. Жиноятларнинг асосий қисми мактабгача ва мактаб таълими, соғлиқни сақлаш ҳамда бандлик тизимларига тўғри келган. Уларнинг таркибида пора олиш, валюта қимматликлари билан боғлиқ қонунбузарликлар, товламачилик, фирибгарлик ва ўзлаштириш ҳолатлари устунлик қилган. Коррупцион жиноятлар натижасида давлат манфаатларига сезиларли миқдорда зарар етказилган¹⁴.

Хулоса ва амалий таклифлар. Ўтказилган таҳлиллар шуни

¹³ <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>

¹⁴ <https://gov.uz/uz/iiv/pages/ichki-ishlar-vazirligi-faoliyatiga-oid-hisobotlar>



кўрсатадики, жинойт қидирув хизмати ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик тизими жинойтларнинг барвақт олдини олиш ва фош этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бироқ мавжуд амалиётда ахборот алмашинуви, ягона таҳлил тизими, профилактик ишлар самарадорлиги ҳамда кадрлар малакасини ошириш масалаларида айрим камчиликлар сақланиб қолмоқда.

Шу муносабат билан ҳамкорликни янада такомиллаштириш мақсадида ягона электрон ахборот ва мониторинг тизимини жорий этиш, идоралараро маълумот алмашинувини тезкор ва самарали

механизмлар асосида йўлга қўйиш, маҳалла институтининг профилактик фаолиятдаги ролини кучайтириш, ходимларнинг касбий ва ҳуқуқий билимларини мунтазам ошириш ҳамда аҳоли орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тизимли чоратадбирларни кенгайтириш зарур.

Умуман олганда, ушбу йўналишда ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жинойтчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.